



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 01 | pp. 334-337 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАРДА

АКТИВЛАР ҚАДРСИЗЛАНИШИНИНГ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ



Жаримбетов Ажинияз Курбанбаевич-

Тошкент давлат иқтисодиёт университети,

таянч докторант

Аннотация. Ушбу мақолада активлар қадрсизланиши ҳисобини юритишнинг аҳамияти, шунингдек асосий воситаларнинг қадрсизланишини аниқлаш, баҳолаш ва уни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш бўйича хулоса ва таклифлар берилган.

Калит сўзлар: активлар қадрсизланиши, асосий воситалар, қадрсизланиш аломатлари, ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар, маъмурий фойдаланиш мақсадидаги асосий воситалар, хизмат кўрсатиш мақсадидаги асосий воситалар, ижарага бериш мақсадидаги асосий воситалар.

Кириш

Активлар қадрсизланиши ҳисобини тўғри ва аниқ юритиш, ҳозирги кунда жаҳон молиявий ҳисоб тизимида долзарб муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Активлар қадрсизланиши ҳисобини тўғри ташкил қилиш ва юритиш ҳисоботлардан ташқи фойдаланувчилар ва ички фойдаланувчилар учун ҳам аҳамиятли бўлиб бормоқда. Чунки активлар қадрсизланишининг тўғри ҳисобланиши хўжалик юритувчи субъект соф фойдасининг тўғри ҳисобланишига, шунингдек дивидендларининг тўғри тақсимланишига, раҳбарлар учун тўғри ва самарали бошқарув қарорларини қабул қилишда ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Активлар қадрсизланиши ҳисобини юритмаслик, ёки нотўғри ташкил этилиши хўжалик юритувчи субъектларда турли молиявий муаммоларга олиб келиши мумкин. Мамлакатимизда ҳам активлар қадрсизланиши ҳисобини юритиш молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (МҲХС) ўтган ташкилотлар учун мажбурий бўлиб келмоқда.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Активлар қадрсизланиши бухгалтерия ҳисобида, хусусан молиявий ҳисобда янги атамалардан бири бўлиб, активлар қадрсизланиши бўйича биринчи бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) 1998 йили 36-БҲХС “Активлар қадрсизланиши” қабул қилинди. Ушбу стандартга йиллар давомида ўзгартиришлар киритилиб келинди. Шунингдек, активлар қадрсизланиши бўйича охириги ўн йилликта асосан хориж, ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари ҳам тадқиқотлар олиб борди.

Жумладан, мамлакатимизда иқтисодчи олимлардан М.Т. Абдужабарова “Асосий воситалар таҳлилини ўтказиш методикаси” илмий мақоласида “асосий

воситалар таркиби ҳақидаги ахборотнинг ошкор этилмаслиги ташқи фойдаланувчига уларнинг актив ва пассив қисмини аниқлашни қийинлаштиради” деб хулоса қилган (1).

Россия Федерациясининг молия университети профессори Н.А.Миславская ва доцент Поленова С.Н. муалифлигидаги “Активлар қадрсизланиши, молиявий ҳисоб ва ҳисоботнинг халқаро тажрибалари” номли илмий мақолада “активлар қадрсизланишининг ички белгиларига активнинг жисмоний ёки маънавий эскириши далилларини ўз ичига олади” деган фикрини келтирган (2).

Қозоғистонлик иқтисодчи олимлардан А.У.Абдрахманова, Б.С.Корабаев ва Россия Федерацияси Алтай давлат университети олими В.В.Мишенколар ҳамкорликдаги чоп этишган “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандарти асосида активлар қадрсизланиши ҳисоби” илмий мақолаларида “активларга қадрсизланиш тестини ўтказиш жуда мураккаб ва дерлик иложи йук, агар мазкур актив бўйича фаол бозор мавжуд бўлмаса” деб, нафақат назарий масалада ўзининг ижобий ечимини кутаётган масалалар, балким бухгалтерия ҳисоби ҳам эътиборга олиши керак бўлган объектларга ишора қилишган (3).

Таиланддаги Чулалонгкорн университети олими З.Вичисарауонг ва АҚШ Миссоури университети олими Ли Ли Енг ўзларининг илмий изланишлари натижасига кўра “молиявий кўрсаткичларнинг активлар қадрсизланишига таъсирини тушунтиришда мамлакатнинг ҳуқуқий базаси ва бухгалтерия стандартлари муҳим аҳамиятга эга” деб таъкидлаган (4).

Россия Федерацияси иқтисодчи олими, доцент Решетникова О.Е. ўзининг “Ташкилот активларини МҲХС асосида қадрсизланиш ҳисоби билан баҳолаш” илмий мақоласида “ҳар ҳисобот даврида молиявий воситаларнинг қадрсизланиш резервларини ташкил қилиш лозим” лигини таъкидлаган (5).

Тадқиқот методологияси

Ушбу мақолада активлар қадрсизланиши ҳисоби бўйича илмий мақолалар, қарорлар, МҲХС таҳлил қилиниб, активларни тоифаларга ажратиш бўйича илмий изланишлар, илмий тавсиялар ишлаб чиқилган. Тадқиқот давомида унинг натижалари ишончлилигини таъминлаш учун кузатиш, умумлаштириш, гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, анкета сўровномаларини ўтказиш, натижаларини эксперт баҳолаш, иқтисодий таҳлил ва иқтисодий-статистик усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида МҲХС ўтган мамлакатимиздаги хўжалик юритувчи субъектлар асосий воситалар ва номоддий активлар қадрсизланишини 36-сон “Активлар қадрсизланиши” бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) асосида юритиш талаб этилади. Хўжалик юритувчи субъектлар 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС талабларини бажаришда биринчи навбатда активлар қадрсизланишининг аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш зарур. Чунки стандартнинг 9-бандида “Ташкилот ҳар бир ҳисобот даври якунига активлар қадрсизланганлигининг бирор аломати мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини

баҳолаши лозим.”¹ деб кўрсатилган. Активлар қадрсизланишининг аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашда биринчи навбатда активимизнинг қадрсизланишини қайси МҲХС асосида юритишимизни аниқлаштирамиз. Активимиз асосий восита ёки номоддий актив бўлса қадрсизланиш ҳисобини 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС да юритишимиз зарурлиги белгилаб кўрсатилган. 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС талабларини бажариш мақсадида, асосий воситаларнинг қадрсизланиши аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳар ҳисобот якунида аниқлашимиз зарур. Асосий воситаларнинг қадрсизланиш аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашимиз учун, асосий воситаларга таълуқли вазиятлар бўйича жуда кўп ҳисоботлар таёрлашимиз, ёки маълумотлар тўплашимиз мумкин. 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХСда активлар қадрсизланиши аломатларини аниқлашда маълумотларни ички ва ташқи манбалари бўйича тўплаш белгилаб кўрсатилган. Активлар бўйича ички ва ташқи манбалар бўйича барча маълумотларни йиғиш учун ҳисобчилардан жуда кўп вақтни, меҳнатни талаб қилиб келмоқда. Лекин, маълумотларни йиғиш, таёрлаш даврида, қайсидур маълумотда активларнинг қадрсизланиш аломатлари мавжудлиги тўғрисида далиллар мавжуд бўлса, бошқа маълумотларни тўплашни тўхтатиб, шу активни қадрсизланган бўлиши мумкин деб топиб, шу активга қадрсизланиш тестини ўтказиш лозим. Ҳисобчилар вақтини, меҳнатини тежаш мақсадида асосий воситалар қадрсизланиши аломатлари бор ёки йўқлигини тез аниқлашимиз учун маълумотларни йиғишда, биринчи навбатда асосий воситаларни ишлаб чиқариш, маъмурий фойдаланиш, хизмат кўрсатиш ва ижарага бериш мақсадидаги асосий воситалар деб тоифаларга ажратиб, маълумотлар йиғишни тавсия берамиз. Ишлаб чиқариш мақсадидаги, хизмат кўрсатиш мақсадидаги, ижарага бериш мақсадидаги асосий воситаларга энг биринчи навбатда фойдаланиш кўрсаткичлари тўғрисидаги маълумотларни қуйидаги кўринишда йиғишни тавсия берамиз (1-жадвал).

1-жадвал

**Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва ижарага бериш
мақсадидаги асосий воситалар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш
тартиби**

№	Асосий восита номи	Фойдаланиш мақсади	Асосий воситани фойдаланиш натижасида тушган тушим		Фарқи (4-5)
			Ҳисобот даврида	Режа бўйича	
1	2	3	4	5	6

Манба: муалиф тамонидан ишлаб чиқилган.

Чунки, ҳозирги кунда асосий воситаларни қадрсизланган бўлишининг энг кўп учрайдиган сабабларидан бири асосий воситаларнинг фойдаланиш кўрсаткичларининг режадан паст бўлиши бўлиб келмоқда. 1-жадвал бўйича

¹ Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2022-йил 10-ноябрдаги 61-сон буйруғига 21-илова 36-сон БҲХС Активларнинг қадрсизланиши.

режадан паст бўлган асосий воситаларни қадрсизланган аломатлари мавжуд деб топиб, бошқа манбалар бўйича маълумотлар тўплашни тўхтатиб, шу асосий воситаларни қадрсизланиш аломатлари мавжуд деб ҳисоблаб шу асосий воситага қадрсизланиш тестини ўтказиш лозим. Лекин, 36-сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС талаблари бўйича, 1-жадвал маълумотларида режани тўлиқ бажарган ёки ортиқ бажарган асосий воситаларни қадрсизланиш аломатлари мавжуд эмас деб тан ололмаймиз, стандарт талаблари бўйича шу асосий восита тўғрисида ташқи ва ички манбалар бўйича бошқада маълумотлар йиғишни давом эттиришимиз зарур.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб, асосий воситалар қадрсизланиши аломатлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлашда, асосий воситаларни фойдаланиш мақсади бўйича қуйидаги тоифаларга ажратган ҳолда амалга оширишни тавсия берамиз:

- ишлаб чиқариш мақсадидаги асосий воситалар;
- маъмурий фойдаланиш мақсадидаги асосий воситалар;
- хизмат кўрсатиш мақсадидаги асосий воситалар;
- ижарага бериш мақсадидаги асосий воситалар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Абдужабарова М.Т. (2023) “Асосий воситалар тахлилини ўтказиш методикаси” Иқтисодиёт ва таълим. 2023-йил. 6-сон <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/download/1354/1230/1713>
2. Н.А.Миславская, Поленова С.Н. (2012) Обесценение активов: Международная практика учета и финансовый отчетности. “Экономика и социум” №5. 567стр. <https://cyberleninka.ru/article/n/obestsenenie-aktivov-mezhdunarodnaya-praktika-ucheta-i-finansovoy-otchetnosti/viewer>
3. А.У.Абдрахманова, Б.С.Корабаев, В.В.Мищенко (2018) Учет обесценения активов в соответствии с международными стандартами финансовый отчетности. Экономика. Профессия. Бизнес. №3. <http://journal.asu.ru/ec/article/view/201832/3383>
4. Thanyaluk Vichitsarawong, Li Li Eng (2023) Corporate governance, financial indicators and asset impairments during the COVID-19 pandemic period. Finance research letters, Volume 58, Part D, December 2023. <https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S1544612323009996>
5. Решетникова О. Е. Оценка активов организации с учетом обесценения в соответствии с МСФО / О. Е. Решетникова // XII Международная конференция «Российские регионы в фокусе перемен». Екатеринбург, 16-18 ноября 2017 г. : сборник докладов. — Екатеринбург : Издательство УМЦ УПИ, 2018. — Ч. 2. — С. 738-744. https://elar.urfu.ru/bitstream/10995/61055/1/978-5-8295-0584-4_80.pdf
6. Қарор (2022) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 2022 йил 10-ноябрда 61 рақамли буйруғи, 36 сон “Активлар қадрсизланиши” БҲХС, 21- илова, рўйхат рақами 3400. - <https://lex.uz/docs/6312360>

